E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ ВА АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛУВЧИ АХБОРОТ ИСТЕЪМОЛИ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Жураева Гулмира
Фарғона давлат университети
чет тиллари факултети ўқитувчиси

Анотатция: Ахборотлашув жараёнида бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш масалаларини таҳлил этишда муайян тажриба тўпланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Калит сўзлар: Ахборотлашув жараёни, глобал, интернет, ишончсизлик, кўникма, ахборот ресурслари, жамоатчилик.

Ҳозирги глобаллашув даврида жамиятнинг ахборотлашуви даражасининг ошиши, ахборот технологияларининг ривожи бўлажак хорижий тил ўқитувчиларидан ижтимоий-сиёсий воқеликдаги ўзгаришларга мослашиш ҳамда жамиятда ўзларининг муносиб ўрнини эгаллашни кафолатловчи чуқур билим ва ўзига хос фикрлашни талаб этмоқда. Бу жараён, баъзи олимлар назарида, глобал интернет тармоғини ҳам қамраб олмоқда [88]. Бир сўз билан айтганда, ахборотлашув жараёнларининг шиддат билан кечиши, ёш авлоднинг маънавий қиёфасида бир томондан, ахборот ресурслари ва ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини ўз ичига олувчи ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш, иккинчи томондан эса, уларни бу соҳадаги турли хуружлар ва таҳдидлардан асрашни ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бирига айлантирмоқда[69]. Шу ўринда дунёнинг баъзи ривожланган мамлакатларида ахборотлашув жараёнида бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш масалаларини таҳлил этишда муайян тажриба тўпланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Бўлғуси хорижий тил ўқитувчилари учун ахборотнинг қанчалик фойдали экани ва мақсадга йўналтирилганлигига урғу берадиган прагматик жиҳат кучли тавсифлаб берилиши жуда муҳим. Бунга кўра, «ахборотнинг фойдалилик меъёри унинг мавҳумлик меъёрига боғлиқ бўлиб, агар хабар олиш жараёнида ўрганувчи онгидаги муайян масала бўйича мавҳумлик ўзгарса, ахборотнинг фойдалилиги хабар олингунгача бўлган ва ундан кейинги мавҳумлик ўртасидаги фарққа тенг бўлади»[38;117]. Сўнги йилларда бўлаётган глобал ижтимоий ўзгаришлар ахборотни қудратли қуролга айланганини кўрсатиб қўймоқда. Ғарб мамлакатларида бугун ахборот олиш имконияти эмас, балки унинг ҳаддан ортиқ кўплиги муаммо туғдираётгани кузатилмоқда. Кўп ҳолларда оммабоп ахборотлар уммонидан релевант ахборотни ажратиб олиш жуда мушкул кечмоқда. Манбаларнинг мувофиқлашмаганлиги, хилма-хиллиги ва ишончсизлиги ахборотни ташкил қилиш ва бошқаришни мураккаблаштирмоқда. Шундай экан, «ишончли ахборотни танлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришга катта эътибор қаратиш талаб этилади. Бундан ташқари, ахборотни аксарият ҳолларда мутахассислар эмас, балки ҳаваскорлар тайёрлаётгани боис, унинг сифатига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур»[71;83]. Шу боис бундай ахборотларга нисбатан бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида танқидий ёндашув, матн ва унинг манбасини таҳлил қилиш масъулияти юзага келтириш муҳим вазифалардан биридир.

Ахборотни танқидий қабул қилиш бўлғуси хорижий тил ўқитувчисининг ахборот истеъмоли маданияти даражасини белгиловчи омил ҳисобланади. Ахборот ҳажми ортиб боргани сари унинг ўлчамлари доираси ҳам ортиб бораверади. Босма нашрлардан ташқари овозли, графика ва бошқа турдаги рақамли материаллар сони ҳам ортиб бормоқда. Технологиялар тараққиёти самараси ўлароқ ахборот оқими тезлиги ҳам беқиёс тарзда ошмоқда. Бундай шароитда бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларидан ахборот маконидаги керакли контентдан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши ҳамда

янги технологиялардан хабардорлик талаб этилади. «Кутубхоналар мисолида оладиган бўлсак, бу нафақат янгича шакл ва ўлчамларга ўтишни, балки ўқувчиларга янги тизимлардан фойдаланишга ёрдам беришни ҳам назарда тутади. Бу маънода педагогларнинг бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларни ўқитиш соҳасида, жамоатчилик билан алоқаларда чуқур билимга эгалиги муҳим аҳамият касб этмоқда»[71;8]. Ахборот хизматлари бугунги кунда жамиятнинг барча тармоқларига кириб бораётган ва ривожланаётган соҳа сифатида тан олинган. Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда вазирлик, муассаса ва идоралар томонидан ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, «дунёнинг илғор мамлакатлари учун умумий мезонлар сифатида қабул қилинган мазкур индикаторлар ва бошқа шу каби кўрсаткичлар ва мезонларнинг ишлаб чиқилиши ва уларнинг одамлар онги ва қалбига сингдирилишида шу соҳадаги кўплаб олимлар ва мутахасисларнинг меҳнати, тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари муҳим аҳамият касб этган албатта»[102-106-108]. Бу борада айниқса, «Ғарб мамлакатларида ахборотларни сақлаш, узатиш, қайта ишлаш ва ўзгартириш усулларини ўрганиш бўйича дастлаб муҳандислик муаммолари доирасида юзага келган, сўнг кибернетик тизимлар, ҳозирги даврда эса ахборотлаштириш, информацион коммуникациялар, интернет, уяли алоқалар ва бошқариш соҳасига кенг ёйилган медиа саводхонлик назарияси ҳақидаги қарашлар муҳим аҳамиятга эга»[39;346]. Шу боис мамлакатимизда ҳам хорижий тилни ўрганувчи ва чет тиллари мутахассислари учун ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантиришга йўналтирилган аниқ механизм ва унинг назарий асосларини яратиш муҳим вазифалардан биридир.

Ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг ахборотга бўлган эҳтиёжига, ҳақиқат ва ёлғонни, фойдали ва фойдасиз маълумотларни бир-биридан ажрата билиш лаёқатлилигига (ёки лаёқатсизлигига) боғлиқ равишда намоён бўлади. Бўлажак ўқитувчи учун ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш мавжуд маълумотларни синтез қилиш асосида ахборот таъсирининг исталган объекти учун хавфнинг юзага келиши механизмларини очиб беришга қаратилади. Фақатгина шу йўл билан замонавий жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш усулларини аниқлаб олиш, турли хилдаги деструктив ахборот таъсирларидан ҳимоя қилишнинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш мумкин бўлади.

Хулоса қилганда, бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш, таълим тизимида ахборий курашларга ўз позициясини намоён қила оладиган шахсларни тарбиялаш масалаларини чуқурроқ ўрганиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолаверади. Чунки замоннинг ўзгариши, имкониятларнинг кенгайиши, ахборот технологияларнинг такомиллашуви тажовузлар ва таҳдидлар шакли ва кўламини кенгайтириб юбормоқда. Бу эса уларга қарши туришнинг янгича механизмларини яратиш заруратини ортирмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон. 2018, -Б. 6-7.

2. Таълим тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2020 йил 23 сентябрь. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3160-сон «Маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришнинг янги босқичга кўтариш тўғрисида »ги Қарори. // Халқ сўзи. 2017 йил 28 июль.

4. Zufarjonovna, J. G. (2022). USING WEB-QUEST TECHNOLOGY IN ENGLISH LESSONS AS FOREIGN LANGUAGE. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL*

SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, *11*, 161-164.

5. Azimbayevna, D. G., & Vohidovna, X. X. (2021). FEATURES IN THE TRANSLATION OF MEDICAL TERMS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, *9*(11), 470-474.

6. Azimbayevna, D. G., Qizi, G. J. Z., & Vohidovna, X. X. (2021). Peculiarities Of Translating Medical Terms. *Texas Journal of Medical Science*, *2*, 6-9.

7. Zufarjonovna, J. G. (2022). BENEFITS OF USING WEB-QUEST TECHNOLOGY IN ENGLISH LESSONS AS FOREIGN LANGUAGE. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429*, *11*, 158-160.

8. Жўраева, Г. З. (2022). БЎЛАЖАК ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ WEB-КВЕСТ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА АХБОРОТЛАРГА ТАҲЛИЛИЙ ВА ТАНҚИДИЙ МУНОСАБАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИ. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, *2*(10), 235-238.

9. Qizi, J. G. Z. (2021). The effect of innovative methods in teaching English as foreign language.

10. Жўраева, Г. З. (2022). БЎЛАЖАК ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ WEB-КВЕСТ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА АХБОРОТЛАРГА ТАҲЛИЛИЙ ВА ТАНҚИДИЙ МУНОСАБАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИ. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, *2*(10), 235-238.

11. Oxojonovich, A. S., & Usmoilovich, A. Y. (2022). About the Problems of Language Teaching to Little Children. *International Journal of Culture and Modernity*, *14*, 30-34.

12. Abdiloyev, S. O. (2022). Nemis tili darslarida frazeologizmlardan foydalanishning innovatsion usullari. *Архив научных исследований*, *2*(1).

13. Oxojonovich, A. S. (2022). On the General Associative Aspects of Allegoric Symbols. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, *6*, 424-428.

14. Aziz, A., & Shavkat, A. (2022). Aristocrats Sympathetic to Heine. *International Journal of Formal Education*, *1*(10), 40-43.

15. Aziz, A., & Shavkat, A. (2022). Symbol of the Paris of Inspiration. *International Journal of Formal Education*, *1*(11), 17-20.

16. Умаржонова, Г. М., & Абдиллоев, Ш. О. (2022). НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “HAND”-“ҚЎЛ” КОМПОНЕНТЛИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ СТРУКТУР-ГРАММАТИК ТАҲЛИЛИ. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, *2*(10), 226-231.

17. Oxonjonovich, A. S. (2022). GERMAN PHRASEOLOGICAL UNITS WITH A ZOONYM COMPONENT. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, *2*(11), 239-244.

18. Oxonjonovich, A. S. (2023). Peculiarities of Semantics of Phraseological Units with Zoonyms. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, *17*, 98-102.

19. Muratovna, Y. Z. (2022). ADVERTISING AND ITS TYPES (COMPARING THE GERMAN AND UZBEK LANGUAGES). *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, *10*(10), 620-623.

20. Muratovna, Y. Z. (2022). EXPRESSION OF EXPRESSION IN ADVERTISING TEXTS (COMPARED TO UZBEK AND GERMAN). *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, *3*(10), 686-690.